

ЗАМОНАВИЙ ҚУРИЛИШНИНГ СОҲАЛАРИДА БАЗАЛЬТ БЕТОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Икромова Сайёра Бахриддин қизи, магистр (ЖизПИ)
Қосимова Дилрабо Пардаевна, доцент в.б. (ЖизПИ)*

Аннотация: Мазкур мақолада базальтдан тайёрланадиган қурилиш материалларининг иқтисодий самарадорлиги тўғрисида сўз юритилган.

Калим сўзлар: модернизация қилиш, маҳаллий минерал, геология- қидирув ишлари, базальтлар, стекловаталар, конструктив материаллар

Аннотация: в этой статье рассказывается об экономической эффективности строительных материалов, изготовленных из базальта.

Ключевые слова: модернизация, местные полезные ископаемые, науки о земле, базальты, стекловата, конструкционные материалы

Annotation: This article talks about the economic efficiency of building materials made of basalt.

Keywords: modernization, local minerals, earth sciences, basalts, glass wool, structural materials

Республикамизда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суратларини таъминлаш, шунингдек, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган қурилиш материаллари саноатидаги таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Тармоқни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини ошириш мақсадида:

2019—2025 йилларда маҳаллий хом ашё геология- қидирув ишларини олиб бориш, қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида қурилиш индустриясининг хом ашё базасини кенгайтириш прогноз кўрсаткичлари ва маҳсулот турларини кенгайтириш ҳисобига қурилиш материаллари ишлаб чиқаришнинг мақсадли кўрсаткичлари назарда тутилди.

Геология - қидирув ишларини олиб бориш, қазиб олиш ва қайта ишлаш асосида қурилиш индустриясининг хом ашё базаси ҳажмларини оҳактош бўйича — 13,1 млн тоннага, гипс тоши бўйича — 1,8 млн тоннага, лойсимон компонентлар, ғишт хом ашёси, кварц қуми бўйича — 1 млн тоннага, кўчган тоғ жинслари (базальт) бўйича — 0,1 млн тоннага, тош-шағал материаллар бўйича — 5,6 млн метр кубга; ишлаб чиқариш ҳажмларини обойлар бўйича — 47 баробардан ортиқ ҳажмга, йиғилган паркет панеллари ва плиталари бўйича — 19

баробарга, ёғоч қириндили плиталар ҳамда ёғоч ва бошқа ёғочбоп материаллардан тайёрланган плиталар бўйича — 15 баробарга, газбетон блоклари бўйича — 7 баробарга, лак-бўёқ материаллари ҳамда энергия ва иссиқликни тежовчи технология асосида ишлаб чиқарилган архитектура-қурилиш ойнаси бўйича — 4 баробарга, базальтдан тайёрланадиган композит арматура бўйича — 3 баробарга ва цемент бўйича — 2 баробарга ошириш ҳамда халқаро молиявий институтлар ва хорижий банкларнинг кредитларини жалб қилиш орқали молиялаштириладиган, 2019 -2021 йилларда қурилиш материаллари саноати соҳасида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳаларнинг йиғма кўрсаткичлари, қурилиш материаллари саноати соҳасида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар каби ишларни амалга оширишда мамлакатимизнинг илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларининг илмий ва инновацион салоҳиятидан кенг фойдаланиш орқали янги турдаги юқори самарадор қурилиш материалларини яратишга қаратилган мақсадли дастурлар шакллантирилди.

Базальтлар ер юзасида энг кенг тарқалган магматик жинслардан биридир. Бундан ташқари, базальтлар фаол континентал чегаралар учун хосдир. Шу мақсадда базальтдан тайёрланадиган қурилиш материалларини ахамияти тўғрисида тўхталиб ўтамиз. Базальтлар арматуралар, базальт симлар, базальт плиткалар, стекловаталар, базальт бетонлар каби материаллар ишлаб чиқарилмоқда.

Мана шундай материаллардан бири бўлган базальт бетонлар яъни, замонавий қурилишнинг турли соҳаларида бетонларни қўлланилиши ва улардан фойдаланишнинг афзаллигини билган ҳолда, уни янада самарадорлик томонлари ҳақида гапирадиган бўлсак, унда биз ҳар доим белгиланган хусусиятларни таъминлаш учун энг мос келадиган аралашманинг турини танлашимиз лозим бўлади. Аслида сунъий тошлар бўлган бетонлар катта сиқиш юқини кўтариши мумкин, аммо улар ёрилиш таъсирига яхши бардош бера олмайди. Тез-тез учрайдиган яна бир муаммо-бу қотиш пайтида қисқаришда ёриқлари хавфидир. Бунга қарши курашиш учун иккиламчи мустаҳкамлаш йўли кенг қўлланилади, шунингдек қурилиш учун зарур бўлган металл миқдорини камайтиришга имкон беради.

Базальт бетон- бу оғир тоифага тегишли бўлган материалнинг турларидан бири ҳисобланади. Базальт бетонлар замонавий иншоот қурилишининг турли соҳаларида қўлланилади. Бу табиий материалдан фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самаралидир. Базальт бетон унинг тузилишидаги ёриқларга деярли сезгир емас, аммо буни фақат етарли миқдордаги тола киритилган тақдирдагина

айтиш мумкин. Бундан ташқари, материал табиий ва сунъий ишқаланишга қаршилиқ кўрсатади.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, базальт бетонлар узок вақт давомида ишлатилиши мумкин бўлган ишончли ҳамда фойдаланиш иқтисодий жиҳатдан самарадор бўлган материал сифатида зарур бўлган ҳолларда кенг оммалаштириш лозим.

Адабиётлар:

1. Д.Касимова. Деформация зданий и сооружений возведенных на засоленных и просадочных грунтах. Thematic Journal of Applied Sciences. March 2021.

2. Рахмонов.Б.,Касимова.Д. Ботиров Б.Деформации зданий и сооружений, возведенных на засоленных и просадочных грунтах.ТАҚИ. Фуқаро бинолари ва қишлоқ турар жой уйларининг энергия самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари.Халқаро илмий техник конференциясининг илмий ишлари.10.04.2019 йил.262-265 б

3. Д.Касимова. Шўр грунтларда бино ва иншоатларни лойиҳалаш муаммолари. Международная конференция“Наука и инновации” 22.11.2020й. Сборник научных трудов.Тошкент.339 б